

ФОРС ТИЛИДА КОПУЛЯТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

НУРИДДИНОВ НОДИР

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақола форс тилидаги копулятив бирликларга оид назарий фикрлар тадқиқи, тилишунос-эронишунос олимларнинг мавзу юзасидан билдирган фикрлари таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, мақолада копулятив қўшма сўзлар, копулятив фразеологик бирликлар ва эркин копулятив сўз бирикмалари, ҳамда уларни ўзаро фарқлаш ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: копулятив қўшма сўз, копулятив фразеологик бирлик, эркин копулятив сўз бирикмаси.

Аннотация. Данная статья посвящается изучению теоретических представлений о персидских копулятивных единицах и анализу взглядов лингвистов-иранистов по данному вопросу. Также в статье рассматриваются копулятивные сложные слова, копулятивные фразеологизмы, свободные копулятивные словосочетания и их взаиморазграничение.

Опорные слова и выражения: копулятивные сложные слова, копулятивная фразеологическая единица, свободное копулятивное словосочетание.

Abstract. This article is dedicated to study theoretical ideas about copulative combinations and the analysis of the opinions of linguists on this theme. Also, in this article are considered copulative compounds, copulative phraseological combinations, free copulative phrases and their differentiation.

Keywords and expressions: copulative compounds, copulative phraseological combinations and free copulative phrases.

Ҳозирги замон форс тилида барча адабий жанрлар ва оғзаки нутқда бир сўзнинг такрорланиши ва синонимик сўзларнинг ёнма-ён келиши ўзига хос бадиий-стилистик усул сифатида кенг ишлатилмоқда. Копулятив бирликларнинг турли семантик типларини ўз ичига олувчи сўз ясалишининг бу тури лексик параллелизмнинг турли кўринишларини акс эттиради. “Копулятив бирликлар бир бўлакнинг бошқасига тобе бўлмай эркин синтактик муносабатни ва тенг ҳуқуқли синтактик элементларни ифодалайди”¹. Бошқа турдаги сўз бирикмаларидан фарқли равишда копулятив сўз бирикмаларида бош ва эргаш сўзлар яъни атрибутив муносабат мавжуд бўлмайди.

“Повторы и однородные парные сочетания в современном турецком языке”² (Аганин 1959),

“Словообразование в хинди”³ (Бархударов 1963), “Сочетания слов и современная терминология”⁴ (Бертагаев 1971) каби асарларда, “Парные слова в современном литературном пушту и их роль в словообразовании”⁵ (Сикоев 1976), “Парные словосочетания в современном персидском языке”⁶ (Меликян 1984) номли номзодлик диссертацияларида фақат икки таркибли (компонентли) копулятив сўз бирикмалари тадқиқ этилади ва улар “жуфт сўзлар”, “жуфт сўз бирикмалари”, “жуфт бирликлар”, “биномалар” каби терминлар билан аталади. Эрон тилишунослигида компонентлари семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқли қўшма сўзлар учун

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1966, С. 208.

² Аганин Р.А. Повторы и однородные парные сочетания в современном турецком языке. –М., 1959.

³ Бархударов А.С. Словообразование в хинди. –М., 1963.

⁴ Бертагаев Т.А. Сочетания слов и современная терминология. –М., 1971.

⁵ Сикоев Р.Р. Парные слова в современном литературном пушту и их роль в словообразовании //Индийская и иранская филология. Вопросы грамматики. –М., 1976.

⁶ Меликян Г.В. Парные словосочетания в современном персидском языке. Тбилиси. 1984.

“копулятив” термини ишлатилиб, улар нафақат *va/o* “ва” интерфикси (ёки унинг фонетик вариантлари *e, vo, yo* билан) балки *l-ā* (*alef-e vasl* “боғловчи алиф”) ва *be, br, tā, dar* предлоглари ёки умуман интерфиксиз боғланади. Лекин 1990 йилда нашр этилган лингвистик-энциклопедик луғатда “жуфт сўзлар”, “жуфт сўз бирикмалари”, “жуфт бирликлар”, ҳатто “копулятив”, “копулятив қўшма сўзлар” каби терминлар ишлатилмайдиган¹ (ЛЭС 1990). О.С. Ахманова жуфт сўзларга қуйидагича таъриф беради: “Парные слова – англ. Alliterating words, это два слова в составе фразеологической единицы с соотнесенным значением и ярко выраженным звуковым подобием”². Эронлик дастурнавис Мирза Жаъфар томонидан келтирилган *alfāz-e etbā* термини ва у томонидан келтирилган қуйидаги мисоллар юқоридаги таърифга мос келади: *tārotur* “тим қоронғилик”, “зулмат”, *ketāb-metāb* “қандайдир китоб”, *lutoput* “яланғоч”, *xānomān* “уй-рўзгор буюмлари”, “мол-мулк”, *tāromār* “тор-мор қилиш”, “вайронага айлантириш”³. М. Баҳор⁴ (Баҳор 1337), Х. Фаршидвард⁵ (Фаршидвард 1348), М.Дж. Машкур⁶ (Машкур 1349), Ҳ. Анвари ва Ҳ. Аҳмади-Гиви⁷ (Анварӣ ва Аҳмади-Гиви 1384) каби эронлик тилшунослар ҳам *alfāz-e etbā* термини орқали ўзаро оҳангдош яъни “мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши”⁸ дан юзага келувчи аллитерациялашган бирликларни тушунадилар.

¹ Лингвистический энциклопедический словарь. Под ред. В.Н.Ярцевой. –М., 1990.

² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1966, с. 312.

³ Жаъфар М. Грамматика персидского языка. 2-е издание. (с участием акад. Ф.Е.Корша). –М., 1901. С. 64.

⁴ محمد تقی بهار ملک الشعرا. سبکشناسی. تهران 1337 ص 58.

⁵ خسرو فرشیدورد. در باره ادبیات و نقد ادبی. جلد های اول و دوم. تهران 1367 ص 240.

⁶ محمد جواد مشکور. دستور نامه در صرف و نحو زبان پارسی. تهران 1349 ص 126.

⁷ حسن انوری، حسن احمدی گبوی. دستور زبان فارسی. تهران 1384 ص 98-99.

⁸ Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т., 2002. Б.12.

А.С. Бархударов сўз ясалишида жуфт бирликларнинг тахлилини амалга оширади. У ўз ишида лексикализация жараёнида бўлган қатор семантик гуруҳларни ажратади⁹. Муаллифнинг ёзишича, “жуфт бирликлар нафақат синтактик, балки стилистик характерга ҳам эгадирлар”. А.С. Бархударов “қачонки жуфт сўзлар қўшиб ёзиладиган мустақил сўзларнинг белгиларига эғалик қилса, у ҳолда сўз ясалиш ҳодисасига оид бўлишини” таъкидлаб, “грамматик ва семантик жиҳатдан эркин синтактик бирликлардан то қўшма сўзларгача бўлган сўз қўллашнинг турли босқичларини ўзида акс эттирувчи оралик жараён” деган хулосага келади. Шунингдек, жуфт сўзларнинг катта қисми мустақил семантик характерга эга ва маълум услубий вазифани (қиёслаш, зидлаш, ўхшатиш, кучайтириш ва б.) бажарувчи бирликлар эканлигини таъкидлайди¹⁰.

Р. Сикоевнинг таджикотида “сўзларни жуфт ҳолда қўллаш ҳам семантик, ҳам грамматик сатҳ (аспект) да ўзига хос ва бошқа-бошқа жараён” эканлиги ва пушту тилида сўз қўллашнинг бу усули “қўшма сўз яшаш учун асос (база) бўлиб хизмат қилиши” таъкидланади¹¹.

Г.В. Меликян томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясида *alfāz-e etbā* термини остида ўрганилган қўшма сўзлар Ж. Ас-Суюти, Х.Моайед, Ас-Сабки, Ибн ад-Духан, Ибн Фарис, Абу Убайд, Ж.Шо(у)ар, А.Хумоюн Фаррух каби араб ва форс филологларининг фикрлари асосида таҳлилга тортилади. Муаллиф жуфт сўз бирикмалари ва қўшма сўзларни ўзаро қиёслаб, такрорий сўзларни “жуфт сўз бирикмалари” сифатида таҳлил қилган¹².

Рус эроншуноси Л.С. Пейсиков лексикализация жараёнига учраб, бир тушунчани ифодалаган ҳолда қўшма сўзларга хос белгиларни

⁹ Бархударов А.С. Словообразование в хинди. –М., 1963. С. 38.

¹⁰ Ўша китоб. Б. 39.

¹¹ Сикоев Р.Р. Парные слова в современном литературном пушту и их роль в словообразовании // Индийская и иранская филология. Вопросы грамматики. 1976, с. 192

¹² Меликян Г.В. Парные словосочетания в современном персидском языке. Диссертация на соискание уч.степени канд.филол.наук. Тбилиси. 1984. С. 30-70.

ўзида акс эттирувчи куйидаги копулятив бирликларни келтиради: *آب و هوا* *ābohavā* “иклим” (сув ва ҳаво), *جد و جهد* *jed(d)ojahd* “ҳаракат, ғайрат қилиш”, “кунт” (ҳаракат ва интилиш), *حمل و نقل* *hamlonayl* “транспорт” (кўчириш ва ташиш), *حاضر و غائب* *hāzeroāyeb* “йуклама” (бор ва йўқ), *مرزوبوم* *marzobum* “территория” (чегара ва мамлакат-ер) ва бошқалар. Л.С. Пейсиков “Очерки по словообразованию персидского языка”, “Лексикология современного персидского языка” каби асарларида “катта миқдордаги баҳсли копулятив бирликларни ўзаро бир-биридан фарқлаш қийин масала эканлиги”ни таъкидлаб, форс тилида копулятив қўшма сўзлардан ташқари “о” элементи билан боғланувчи кенг тарқалган копулятив бирликлар” мавжудлигини қайд этади¹. Бу муаммони таҳлил қилган муаллиф копулятивларнинг пайдо бўлиш манбаларига ҳам муножаат қилиб, “тадқиқотчилар томонидан ҳозирги форс тилида кенг тарқалган копулятивларнинг ўрта форс тилида ҳам бир неча моделлари қайд этилганини” таъкидлайди².

Эронлик тилшуносларнинг асарларида ҳам копулятив бирликлар етарли даражада ёритилмаган. П.Н. Хонларий жуфт синонимларнинг ишлатилишига эътибор қаратиб, фақат уларнинг тўғри ўқилишига урғу беради. Муаллиф томонидан копулятив бирликдаги биринчи компонент унли ҳарф билан тугаса *و* ва боғловчиси *vo/uo*, ундош ҳарф бўлса *o* деб ўқилиши таъкидланади³.

Эронда нашр этилган форс тили грамматикаларида бу мавзу, одатда, қўшма сўзлар бўлимида ўрганилади. Айнан бир турдаги сўзларнинг ҳам қўшма сўз *کلمات مرکب* *kalamāt-e morakkab*, ҳам сўз бирикмаси *ترکیبات* *tarkibāt* сифатида ўрганилиши тез-тез кўзга ташланади. Баъзи муаллифлар копулятив бирликларни *کلمات مزدوج* *kalamāt-e mozdavaj*⁴ “иккиланган,

ترکیبات معطوف و معطوف اليه”, *تارکیبات معطوف و معطوف الیه* *tarkibāt-e ma'tuf-o ma'tufon eleh*⁵ “боғланувчи ва боғловчи билан боғланган бирликлар”, *کلمات* *kalamāt* “жуфт сўзлар” каби терминлар билан аташади.

М.Ж. Шариат қўшма сўзларнинг ясалиш шакллари таҳлил қилиб, *میانوند* *miyānvand* “интерфикс” ларга алоҳида тўхталади, жумладан *و* *vāv* “ва” ни ҳам улар таркибида ўрганади⁷. “Форс тилида аффикслар” луғатида *و* *vāv* “ва”нинг функциялари саналиб, қўшма сўзларда *میانوند عطف* *miyānvand-e a'tf* “боғловчи интерфикс” сифатида келиши таъкидланади⁸. Х. Анварий ва Х. Аҳмадий-Гивийлар “Форс тили грамматикаси”да *و* *vāv* “ва” ни *حرف ربط* *harf-e rabt-e a'tf* “бириктирувчи боғловчи” деб атайдилар⁹.

Юқорида таъкидланганидек, эронлик муаллифлар копулятив бирликларни қўшма сўзлар, эркин ва турғун сўз бирикмалари каби турларга ажратмайдилар. Сўзнинг структур таҳлилидан келиб чиққан ҳолда уларни мураккаб бирликлар сифатида таҳлил қиладилар. Лекин *چهره و روی* *čehre-vo ru* “қиёфа”, “ташқи кўриниш” (айнан. “юз” ва “юз”), *فکرو اندیشه* *fekr-o andiše* “ният”, “ўй”, “фикр” (айнан. “фикр” ва “фикр”) каби ўзаро синоним сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган бирликларни ва шунингдек, *شب و روز* *šab-o ruz* “бир кеча-кундуз”, “сутка” (айнан. “кеча” ва “кундуз”), *دوست و دشمن* *dust-o došman* “дўст-душман” (айнан. “дўст” ва “душман”) каби антоним сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган бирликларни ажратадилар¹⁰.

Француз эроншуноси Ж. Лазар сўз ясалишининг ўзига хос, конкрет усуллари таклиф қилиб, копулятив қўшма сўзларни *juxtaposition* (битта бўлиб, қўшилиб кетиш) номли гуруҳ таркибида ўрганади¹¹.

⁵ محمد جواد شریعت. دستور زبان فارسی. تهران، 1370. ص. 57.
⁶ محمد معین. فرهنگ فارسی. شامل سه بخش: لغات، ترکیبات، خارجی. جلد 1-6. تهران، 1375. ص. 380.

⁷ Ўша китоб. Б. 192.

⁸ تهران، 1377. ص. 240. ضیا الدین هاجری. فرهنگ وندھاى زبان فارسی (پیشوندها، میانوندها، پسوندها)

⁹ حسن انوری، حسن احمدی گیوی. دستور زبان فارسی. تهران، 1375. ص. 109.

¹⁰ Ўша асар. Б. 184.

¹¹ Lazard G. Grammaire du persan contemporain. Paris, 1957. P.255.

¹ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. –М., 1973. С. 166.

² Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. –М., 1975. С. 100.

³ نائل خانلری پرویز. زبانشناسی و زبان فارسی. تهران، 1373. ص. 247.

⁴ خسرو فرشیدورد. دستور امروز. تهران، 1348. ص. 110.

Форс тилида турли типдаги исмий қўшма сўзларни ўрганган М.Шокий ҳам копулятив бирликлар ичидан қўшма сўзларни ажратади. У копулятив қўшма сўзлар ва копулятив ФБлар орасидаги оралик позицияни эгалловчи бирликларни асл копулятивлардан фарқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади¹.

Ю.А. Рубинчикнинг “Основы фразеологии персидского языка” номли асари эркин ва турғун сўз бирикмалари, хусусан, копулятив ФБлар ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштиришга туртки беради. Муаллиф копулятив ФБларга бир грамматик категорияга мансуб бўлган турғун бинар бирликларни киритади. Шунингдек, эроншуносликда ишлатиладиган копулятив ФБлар копулятив қўшма сўзлар терминига мос келмаслигини таъкидлайди. Копулятив қўшма сўзларда семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқли қисмлар нафақат *و o* (*vāv* ёки унинг фонетик вариантлари *vo/yo*) балки унинг бошқа шакллари (*alef-e vasl* “боғловчи алиф”, *به be*, *بر bar*, *تا tā*, *در dar* предлоглари) билан ёки умуман интерфиксиз боғланади: *شستشو šostošu*, *šostešu*, *šostšu* “ювиш”, “чўмилиш”, “кир ювиш” (*شستن šostan* “ювмоқ” феълининг ҳозирги ва ўтган замон негизидан)².

Рус эроншуноси С.Э. Талыбова томонидан копулятив алоқа мавжуд бўлган бирликлар қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганилади: 1.Копулятив қўшма сўзлар (КҚС); 2.Копулятив фразеологик бирликлар (КФБ) 3.Эркин копулятив сўз бирикмалари (ЭКСБ)³. Копулятив бирликларнинг учала турида ҳам *و va/o* “ва” ишлатилади. КҚС таркибида интерфикс сифатида ишлатилса, КФБ ва ЭКСБ таркибида бириктирувчи боғловчи вазифасида келади.

1. *Копулятив қўшма сўзлар (КҚС)*. КҚС – ўзининг ташқи белгиларига кўра қўшма сўз вазифасини бажарувчи бирликлардир. Бундай

бирликларнинг КҚС таркибига киритилишининг асосий ва бош мезони бир ёки иккала таркибий қисмнинг лексик номустақиллигидир; ўзаро боғланувчи қисмлар орасида синтактик ва фразеологик алоқанинг мавжуд эмаслиги. Бу турдаги копулятив бирликларда *و va/o* “ва” боғловчиси форс грамматикасида *واو میانوند vāv-e miyānvand* деб аталувчи интерфиксга айланиб кетади.

2. *Копулятив фразеологик бирликлар (КФБ)*. КФБ таркибига таркибий қисмлари мустақил маънога эга, бир хил сўз туркумидан иборат (кўпинча от ва сифат) турғун сўз бирикмалари киради. Ҳар қандай ФБ каби КФБ ҳам нутқда намоён бўлади. КФБ таркибидаги *و va* “ва” бириктирувчи боғловчиси *va/o* деб талаффуз қилинади. Копулятив характердаги турғун иборалар (КФБ) синтактик сўз бирикмалари каби ўз просодик структурасига эга: бирикма таркибидаги ҳар бир компонентнинг ўз мустақил урғуси мавжуд бўлиб, иккинчи компонентдан аввал кичик пауза юзага келади.

3. *Эркин копулятив сўз бирикмалари (ЭКСБ)*. ЭКСБ икки ёки ундан ортиқ мустақил маъноли сўзлардан иборат синтактик сўз бирикмаларидан ташкил топади. ЭКСБда таркибий қисмлар орасидаги бириктирувчи боғловчи одатда *-o-*, баъзида ҳолатларда эса *-va-* деб талаффуз қилинади. Сўз бирикмасининг ҳар бир компоненти фонетик мустақилликка эга бўлиб, бу турдаги бирликларда турғун бирикмаларда бўлгани каби мустақил урғу ва иккинчи компонентнинг кичик паузадан сўнг талаффуз қилиниши кузатилади. Лекин нутқ жараёнида интонацион манзара ўзгаради: биринчи компонент урғули бўғини таркибидаги унли товушнинг талаффузи қисқаради ва сўнги компонентнинг охирги бўғинига бир бош урғу тушаётгандек тасаввур ҳосил бўлади. Бу каби сўз бирикмалари гап тузишда қурилиш материали сифатида хизмат қилади.

Копулятив бирликларга оид илмий адабиётлар таҳлили компонентлари семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлган бирликлар турли номлар билан аталишини кўрсатди. Копулятив бирликларни тавсифлашда С.Э. Талыбова томонидан қўлланган КҚС, КФБ ва ЭКСБ каби терминлар мавзу моҳиятини тўлақонли очиш

¹ Shaky M. A Study on Nominal Compound in Neo-Persian. Praha. 1964, С.54

² Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., 1981. С. 75.

³ Талыбова С.Э. Копулятивные словосочетания в персидском языке. – М., 2002. С. 30-31.



ва копулятив бирликларни ўзаро фарқлашда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, копулятив бирликларнинг учала турида ҳам *va/o* “ва” нинг ишлатилиши мазкур бирликлар учун умумий хусусиятдир. КҚС таркибий қисмла-

рида лексик номустиқлик кузатилса, КФБ ва ЭКСБ таркибий қисмлари эса ўз мустиқил маъносига эга бўлади. Ҳозирги кунда копулятив бирликларни ўзаро фарқлаш, уларни фарқловчи аниқ мезонларни яратиш эрон тилшунослигидаги долзарб масалалардан биридир.



АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДАГИ ЎЗЛАШМА ФОРСИЙ ФЕЪЛИЙ ЯРИМАФФИКСЛАР АСОСИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ

НИШАНБАЕВА АЗИЗА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида учрайдиган *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr* каби феълий яримаффикслар тавсифланади. Туркий тилда ҳосил қилинган янги сўзлар таҳлилга тортилди.

Таянч сўз ва иборалар: исмий яримаффикс, феълий яримаффикс, сўз ясаиш, феълнинг ҳозирги замон негизи, қўшма феъл, модел асосида сўз ясаиш.

Аннотация. В данной статье описываются глагольные полуаффиксы, такие как, *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr*, которые встречаются в поэме «Хайрат аль-аброр» Алишера Навои. Анализируются новообразования с данными полуаффиксами в тюркском языке.

Опорные слова и выражения: именной полуаффикс, глагольный полуаффикс, словообразование, основа настоящего времени глагола, сложный глагол, модельное словообразование.

Abstract. In this article, there are described verbal semi affixes as *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr*, which are met in the words of the poem “Khayrat al-abror” by Alisher Navoi. New built words with these semi affixes in the Turkic language is analyzed.

Keywords and expressions: nominal semi affix, verbal semi affix, word-building, verb root of present time, compound verb, model word-building.

Ҳозирги замон форс тилида яримаффиксларнинг икки тури, яъни исмий ва феълий яримаффикслар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек эроншунос олимлари А. Куронбеков¹, Г.У. Мирайпова², рус эроншунос олимлари Ю.А. Рубинчик³, Л.С.Пейсиков⁴,

С.А. Алиев⁵, О.М. Сотова⁶, эрон олими И.Калбосий⁷ларнинг ишлари шулар жумласидандир. Аммо классик форс тилида яримаф-

¹ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. –Т., 2009.

² Мирайпова Г.У. Развитие лексики современного персидского языка в период после исламской революции (на материалах газетно-журнальной периодики). КД. –Т., 1994.

³ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного литературного персидского языка. –М.2001.

⁴ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. –М., Из-во Московского университета, 1973.

⁵ Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка. АКД. –М., 1985.

⁶ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке. КД. –М., 2008.

⁷ Kalbāsi Irān. Sāxt-e eštēyāyi-ye vāze dar zabān-e fārsi-ye emruz. –Tehrān, 1992.